



ИШОНЧ

ХОРАЗМ ГАЛЛАКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Мамлакатимиз галла мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга интилаётган Хоразм вилояти деҳқонлари давлатга дон этказиб бериш буюртмасини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Ҳар гектар ердан ўртача 50 центнердан ҳосил кўтарилди. Бу ўтган йилдагидан 10 центнер кўпдир.

Мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллигини муносиб кутиб олишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган вилоят галлакорлари яна 10 минг тонна дон топириб, ялли хирмонни 200 минг тоннага этказишга қарор қилдилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

23 июнь, сешанба 1998 йил №73 (575)

Сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ГАЛЛАКОРЛАРИГА ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА!

Азиз дўстлар!
Сизларни дастлабки меҳнат галабангиз - давлатга галла сотиш бўйича йиллик режагинизни мамлакатимизда биринчи бўлиб урдалаганингиз билан чин кўнглимдан муборакбод этаман.

Хоразмликлар азалдан улкан деҳқончилик мактабига ва бой аъёнларига эгаллигини яна бир бор исботладилар.

Сизлар метин иродангиз, деҳқончилик илмингиз, ерга бўлган муносабатингиз, фидойилигингиз ва доимо янгиликка интилишингиз туфайли ана шундай натижага эришдингиз. Ҳар гектар ердан 50 центнердан ошириб ҳосил олдингиз. Режага қўшимча равишда давлатга яна ўн минг тонна галла топширишга аҳд қилганингизни мамлакатимиз тараққиётига, халқимиз фаровонлигига қўшаётган улкан ҳиссангиз, деб биламан.

Мухтарам дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларни - вилоят галлакорларини, меҳнаткорларини, мутахассисларини ва барча меҳнаткашларини улкан галаба билан яна бир бор муборакбод этар эканман, ҳаммамизга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга тинчлик, омонлик, Ватан ва халқимиз раҳнаки йўлидаги эзгу ишларингизда муваффақиятлар тийланган.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

22 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг «Ньюмонт Голд» компанияси раиси, президенти ҳамда бош ижрочи директори Роналд Кэмбри раҳбарлигидаги ушбу компания делегациясини қабул қилди.

Сўхбатда давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари яхши самаралар бераётганидан мамнуний изҳор этди. Хусусан, америкаликлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Таъкидлаш керакки, жаҳон бозорига олтин баҳосида пасайиш кузатилаётган бўлса-да, бу қўшма корхона фалоятига ўз таъсирини кўрсатгани йўқ.

1921 йили ташкил топган «Ньюмонт Голд» компанияси айни кунда олтин қазиб олиш бўйича дунёдаги энг юқори ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ўзбекистон ҳукумати би-

лан ушбу компания ўртасидаги келишувга биноан, 1992 йили «Зарафшон-Ньюмонт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ташкил топди. Корхона 1995 йилдан буён Мурунтон қонидаги қолдиқ рудани қайта ишлаб, ундан юқори сифатли олтин олмақда.

1997 йил натижаларига кўра, «Зарафшон-Ньюмонт» дунёнинг етакчи олтин қазиб олувчи корхоналари сафидан жой олди.

Сўхбат чоғида «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси фалоятининг самарадорлигини янада ошириш, «Ньюмонт Голд» компанияси томонидан Ўзбекистонга қўшимча сармоя киритиш имкониятлари ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ўзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Т.Шоёқубов, ташки иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р.Азимов иштирок этди.

(ЎЗА)

БОЛҚОНДАГИ ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Болгария ҳақида гап кетганида, мутахассислар унинг иқтисодиёти сўнгги йилларда жадал суръатлар билан ривожланиётганини таъкидлашади. БМТ вакиллари аҳолининг турмуш даражаси, соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоийнинг бошқа соҳаларига киритилаётган хорижий сармоялар бўйича бу мамлакат тобора юқори поғонага кўтарилаётганини қайд этишган.

Болгария иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири транспорт коммуникацияларидир. Мамлакат катта денгиз, йирик автотранспорт ва темир йўллар кешишидаги ҳудудда жойлашган. Бу борада Болгариянинг, айниқса, Туркия билан чегарадош ҳудудлари анча катта ўрин тутди. Бу ердан Яқин Шарқ, Осиё ва Европани боғлайдиган аънанавий савдо йўллари ўтди. Қора денгиздаги порт ва паромлар ҳам Болгария иқтисодиётига дурустгина фойда келтиради.

Болгарияда молия соҳасида юз бераётган ўзгаришлар ҳам ўзига хос. Ўтган йилнинг эида ҳукуматга бўйсунмайдиган Валюта кенгаши тузилди. Ушбу кенгаш таъмилга мустақил орган бўлиб, давлат бюджетининг харажатлари, пул қадрсизланиши даражаси ва бошқа муҳим молиявий жараёнларни назорат қилади. Унинг ташкил этилиши билан мамлакатда инфляция суръатларини кескин камайитириш, давлат қарзларини минимал даражага келтиришга эришилди. Кейинчалик Кенгаш ташаббуси билан чет эл сармояси ҳақидаги қонунга ўзгаришлар киритилди. Бу эса мамлакатга хориж капитали оқимини кучайтирди.

Молия соҳасидаги ўзгаришлар саноат секторида ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Жаҳон бозорига 90-йиллар бошида йўқотилган ўринлар қайта эгаллана бошлади. Ташки савдода Европа Иттифоқи мамлакатлари ва бошқа Фарб давлатларининг ҳиссаси тобора ортмоқда. Бундан кўра рақамлардан ҳам билиш мумкин: ўтган йили Италия, Греция, Туркияга экспорт ҳажми ўртача 17 фоизга, АҚШга эса 14 фоизга ортди. 1997 йилда мамлакатнинг ташки савдо айланмаси 9,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Айни вақтда хориждан товар олиб кириш камайиб бораётди. Ўтган йилги ташки савдо натижалари экспортнинг умумий ҳажми импортнинг умумий кўрсаткичидан қарийб 400

миллион АҚШ долларига кўплигини кўрсатди. Бу йил И.Костов ҳукумати ялли миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1997 йилгига нисбатан 4 фоиз юксалтириш режасида. Болгариянинг ташки савдодаги ўзгаришларга келсак, улар орасида Шимолий Атлантика ҳарбий Альянси ва Европа Иттифоқига кириш борасидаги савб-харажатлар алоҳида ўрин тутганини таъкидлаш жоиз. Айни кунда ҳар икки тузилма билан муттасил музокаралар давом этмоқда. Иқтисодиётдаги ўзгаришлардан ташқари, ҳарбий соҳадаги ислохотларга ҳам эътибор суйайгани йўқ. Оддий курулди кучлар тўғрисидаги халқаро шартномага мувофиқ мамлакат курулди кучларининг сафи қисқараётган бўлса-да, ҳарбий техника НАТО андозалари даражасига чиқарилмоқда. Аскар ва офицерларнинг жанговар тайёргарлиги оширилаётди.

РАСМИЙ ТАШРИФ АРАФАСИДА

Ўзбекистон-Болгария муносабатлари ҳусусида шунини айтиш мумкинки, икки мамлакат ҳукуматлари ва халқлари ўртасидаги дўстлик билан йўрилган муносабатлар бугунги кунда янги асосда ривожланиб бормоқда. Ишбилармонлар даражасидаги мулоқот ва алоқалар ҳам кундан-кун кенгайиб бормоқда. Фикримизнинг тасдиғи учун шу йил бошида юртимизга Болгария ташки ишлар вазири Надежда Михайлова билан йирик ишбилармонлар гуруҳи ташриф буюрганини эслатиб ўтишни ўзи киёф. Ушбу ташриф чоғида Н.Михайлова Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан қабул қилинди ва республика ҳукумати вакиллари билан музокаралар ўтказди. Ушбу ташриф асносида ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга асос бўладиган қўлпақ тақлифлар ўртага ташланди.

23 июн куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Болгарияга расмий ташрифи бошланади. Йўлбошимизнинг Софийага ушбу сафари давлатларнинг ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига, ҳукумат, ишбилармон доиралар, илм-фан, маданият ва санъат вакиллари даражасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янги раҳнада ривож топишига муносиб туртки бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, ҳамкорлик учун ҳар икки мамлакатда ҳам имкониятлар етарли.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАРИДА

Республика Кўчмас Мулк биржасида ўтган ҳафта давомида 14 марта ким ошди ва 22 марта биржа савдолари бўлиб ўтди.

Шу жараёнда - 353 та иншоотлар мулкдорлар қўлига ўтди. Уларнинг сотувдаги қиймати - 76,4 миллион сўмни ташкил қилди.

Бундай натижа олдинги ҳафтага нисбатан самаралроқ бўлганлиги билан фарқ қилади. Чунки сотилган иншоотларнинг сони 1,7 мартага, тушган маб-

лағлар (сўм) эса 2,5 мартага ошганлиги қувонарли ҳолдир. Биржа бўйича ким ошди савдосидаги умумий довлангич нарх сотилиш башарида - 1,56 мартага ошди.

Бундай кўрсаткичлар биржадаги сотувлар қониқарли бўлаётганлигини билдиради. Республика қимматли қозғолар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 27 та хиссадор жамиятлар қатнашди. Улар ўзларининг - 95,9 мингта

акциялари ҳисобига - 58,4 миллион сўмлик маблағ эгаси бўлидилар. Шу жараёнда энг яхши самарага «Бухоротурист» ҳиссадор жамияти эришди. Бухороликлар ҳам 5 миллион сўмлик оддий акцияларининг сотилишига эришдилар. Шу маълумотни ҳам қўшимча қилиш лозимки, олди-сотди давомида 33 та брокерлик идоралари яхши фаолият кўрсатдилар. Йил бошидан буён эса 942,1 мингта акциялар сотилди.

Корхонада илғор ишчилар жуда кўп экан: ип-йигирув цехидан Хайриноси Алимова, Саодат Рўзиева, трикотаж цехидан Нодира Эгамназарова, Шахлол Холмуродова, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехидан Қамбара Рўзиева, Гулсара Хайдарова, Мухайиб Назарова, оператор Фахриддин Азизовлар кунлик иш топшириқларини 1,5-2 ҳисса бажариб, ўрناق кўрсатишмоқда.

Корхонанинг келажги ҳақида тўхталсангиз? - сўраймиз директордан.

Ҳаммамиз республикамизни келажига буюк давлат деймиз. Биз ҳам ушбу буюкликка муносиб ҳисса қўшишга қарор қилганмиз. Жаҳон андозасига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уни кўпроқ хорижликларга этказиб беришимиз. Бу билан, биринчидан, чет эл сармоясини мамлакатимизга тўппадан - тўғри олиб келсак, иккинчидан чет элликларга ўзбек халқининг нимага қадир эканлигини, республикамиз ҳақиқатан ҳам буюк давлатлигини намойиш этмоқчимиз.

Ҳа, Иброҳимжон дилидаги бор гапим лўнда қилиб айтади. Илоҳ унинг айтадилари вожиб бўлаверсин!

Аҳбор САМАРИДДИНОВ,
«Ишонач» муҳбири.

ИҚТИСОДИЁТ ЧОРРАҲАЛАРИДА

таъмирдан чиқаришни талаб этади. Қоровулбозор туманидаги қудуқларни тула таъмирлаш ижара корхонасининг бу борада олиб бораётган ишлари мақтовга лойиқдир. «Узнефтьга» қазиб чиқариш бирланмасига қаршили бу корхона Бухоро, Қашқадар, Навоий вилоятларидаги мавжуд қудуқларда таъмирлаш ишларини бажарилади.

Кувасой цемент заводида оҳад ва алабаст ишлаб чиқаришнинг янги технологияси жорий этилди. Маълумки, корхона маҳсулотининг сифати жиҳатидан халқаро муқофоларга сазовор бўлиб, уни мамлакат

ташқарисига ҳам экспорт қилиб келинмоқда. Цемент ишлаб чиқариш печлари тулик реконструкция қилингани ва бор қуввати билан ишлаётгани туфайли ўтган 5 ойда 1 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу ерда янгиликка интилиб яшайдилар. Бир йилда 600 минг долларлик ўтга чиқарилган гипслар керак. Уни шу пайтгача четдан сотиб олардилар. Яқинда эса ана шундай нобх гишларни корхонанинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Унинг мустақиллиги ва ўтга чиқарилган даражаси хорижий кидан бирмунча юқоридир. Агар илгари оҳад тоши 120-130

миллиметрга келтирилиб пиширилса, энди янги майдалагидида у 1,5 баробарга кичиратирилди. Бунда оҳад тошининг пишиши тезлашди ва пишиш даражаси 100 фоизга етди. Нихоят, уриштилан янги технология уқунлар туфайли пиширилган оҳад тошларнинг ёпишқоқлик қуввати 1,5-2 баробарга оширилди. Сувоқ мустақамлиги эса ана шу белгиларга боғлиқ. Алабаст тайёрлашда ҳам технологиялар жиддий ўзгаришлар киритилиб, печни газогенераторга алмаштирилди. Бунинг натижасида ушбу қисмда жараён ҳам тезлашди, ҳам маҳсулот қуввати даражаси кўтарилди.



Шахридон тумани деҳқонлари 8293 гектар ернинг ҳаммасига пленка остига чигит экишган.

Академик Саримсоқов номли жамоаси меҳнат аҳли ҳам мардона ишламоқда. Уларнинг нияти мавжуд майдонларда 45 центнердан саноат хомашиб олиш. Суратларда: бригадир И.Мадаминов, механизатор Незматжон Исмоилов, Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизда кўплаб йирик иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, Бухоро нефть-газ қазилма шаш заводи, Қорақалпоғистондаги «Эл-төкс», Қашқадардаги «Каштек» корхоналари ва ҳоказо. Биз мустақилликнинг ана шундай қалдирғоч корхоналаридан бири - «Каштек» ҳиссадорлик жамиятида бўлдик.

Корхонамиз фойдаланишга топширилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ, деяр сўз бошлади корхона бош директори Иброҳим Эшқобилов. - 1998 йилнинг декабрь ойидан буён фаолият кўрсатмоқда. Дастлаб бу ерда 600 киши ишлаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 1000 нафардан ошди. Уларнинг қарийб 85 фоизи хотин-қизлардир. Корхонамизда ип-йигирув, трикотаж, бўёқ ва пардозлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби 7 та цех мавжуд. Ана шу цехларда иш 3 сменада олиб боришмоқда.

Айтинг-чи, корхона айни пайтда тула қувват билан ишлаётинми?

Ҳа. Биз йилга 1200 тонна пахтадан қайта ишлаб, 920 тонна калава ип тайёрлашимиз керак. Ана шу иплардан трикотаж ва тукув маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ҳозирда бу вазифа тула бажарилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқарадиган

дастгоҳларимизнинг ҳаммаси замонавий. Чет-елдан келтирилган. Жаҳон андозаларига

мос маҳсулот ишлаб чиқариш қудратига эга. Мақсадимиз - бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 75-80 фоизини четга чиқаришдан иборат.

Йилнинг дастлабки чорасидаги кўрсаткичларимиз ёмон эмас. 78 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик. 52 минг АҚШ доллари ҳажмида четга маҳсулот чиқардик. Айни пайтда 250 минг АҚШ доллари ҳисобидидаги маҳсулотни четга экспорт қилишга ҳозирлаб қўйдик. Бундан ташқари, биз Россиянинг Москва, Украинанинг Киев, Белоруссиянинг Витебск шаҳарларида ўз сав-

ишлаб чиқарилмоқда. Булар эркаклар ички кийимлари, болалар учун турли кийим-бошлар ҳисобланади. Яқин кунлардан бошлаб Италиянинг «Карьера» фирмаси билан ҳамкорликда замонавий эркаклар кўйлагини ишлаб чиқара бошладик. Маҳсулот турларини йил сайин кўлайитириб борамиз.

Қадрлар ҳақида нимга дея оласиз?

Авалло шунини айтиш керакки, корхона дастлаб ишга тушганида Туркия ва Италиядан мутахассис кадрлар ишладилар. Чунки дастгоҳларимизнинг девярли ҳаммаси четдан келтирилган. Асосий қисми компьютер ёрдамида бошқарилади. Шу

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 23 июндан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийдаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	55,64
1 Австрияшиллинги	7,24
1 Англия фунт стерлинги	152,02
1 Юлбелгия франки	24,69
1 Голландия гульдени	45,19
1 Греция драхмаси	3,00
1 Дания кронаси	13,38
1 БАА дирхами	24,88
1 АҚШ доллари	91,36
1 Миср фунти	26,85
1 Ирландия фунти	128,27
1 Исландия кронаси	1,29
10 Испания песети	6,00
100 Италия лираси	5,17
1 Канада доллари	62,06
1 Хитой юани	11,03
1 Кувейт динори	298,70
100 Ливан фунти	6,04
1 Малайзия ринггити	23,09
1 Германия маркаси	50,94
1 Норвегия кронаси	12,07
1 Польша злотийси	26,44
10 Португалия эскудоси	5,00
1 Сингапур доллари	55,44
1 СДР	122,75
1000 Туркия лираси	0,35
1 Финляндия маркаси	16,77
1 Франция франки	15,19
1 Швецция кронаси	11,53
1 Швейцария франки	60,99
1 ЭКЮ	100,74
10 Жанубий Корея вони	0,86
1 Япония иенаси	6,64
1 Россия рубли	14,77
1 Украина гривнаси	44,39
1000 Беларусь рубли	2,49
1 Латвия лати	152,27
1 Литва лити	22,84
1 Молдавия леи	19,27
1 Қирғизистон сом	4,82

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

ФАҚАТ МУЗОКАРАЛАР ЙЎЛИ МАЪҚУЛ

Канада ташқи ишлар вазири Эскуорси Бирланган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Кофи Аннан билан учрашганидан сўнг Косово муаммосини ҳал этишда НАТО курулди кучларидан фойдаланиш фақат БМТ руҳсатидан кейингина мумкинлигини айтди. Шунингдек, Канада ташқи ишлар вазири Косово муаммоси фақат музокаралар йўли билан ҳал этилиши керак, деган фикрини билдирди.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР ГАРОВГА ОЛИНДИ

Гвинея-Бисауда ҳукуматга қарши қуролли исён кўтарган ҳарбий қўмондон Мане тарафдорлари мақлакатда фаолият кўрсатмаган етти нафар хорижий давлатлар акаллари гаровга олдидлар. Исконкорлар қўлида Голландия, Франция, Германия давлатлари фуқаролари тутқун бўлиб турибди.

ЕНГИН ТУГАТИЛАДИ

Россиянинг Хабаровск ўлкасида сўнгги кунлар ичида 24 марта ўрмон ёнғинлари содир бўлди. Айрим жойларда ёнғинлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Хабаровск ўрмонзорларининг 1200 гектари қуйиб қол бўлган. Ўлка ҳукумати зарур техника ва маблағ етишмаслиги туфайли ёнғинларнинг олдини олишга қурбн етмаётди.

КАВКАЗ САФАРИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижроси қотиби Борис Березовский Кавказ республикалари бўйлаб сафарини давом эттирмоқда. Б. Березовский Ереванда меҳмон бўлса, ҳозир Бокуда ташрифда бўлиб турибди. У Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев билан учрашиб, арман-озарбайжон муносабатларининг янги йўли билан ҳал этиш масалаларини муҳокама қилди.

РИМ ПАПАСИ АВСТРИЯДА

Рим Папаси Иоани Павел Иккинчи Австрия Республикасида қилган ташрифи чоғида катта ваъхонлик уюштириб, мамлакат католикларини ўзаро ҳамжihatликка чақирди. Рим Папаси Австрия диний долраларида юзага келган тушунмовчилик ҳолларини бартараф эттиш заруригини таъкидлади.

СЕМИРИШ БАЛОСИ

АҚШнинг Колорадо шаҳридаги тадқиқотчилари хулосасига кўра, Америка аҳолисининг 60 фоизга яқини жуда семирб кетмаган экан. Америкаликларнинг семиршишига уларнинг ҳаддан ташқари кўп омак еишлари ва жуда омак ҳаракат қилишлари сабаб бўлмоқда. Колорадо университетини олимларининг айтишича, семирш кишига кўпгина кўлфатлар келтириши мумкин. Янги семирб кетганларнинг 80 фоизга рақ, диабет, юрак-қон томир хасталиқларига чалинар экан.

ЯНА ҚОТИЛЛИК

Чеченистон пойтахти Грозный яқинида чечен халқсизлик ҳизматларининг раҳбар қўманданларидан икки киши - Лечу Хутигов ҳамда Ваха Жафаров ҳалок бўлидилар. Улар совиқ генерал исёқор Салман Радуев тарафдорлари томонидан ўлдирилган. Қотиллар Чеченистоннинг Олий шариат суди томонидан суд қилинади.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

1998 йил — оила йили

Оила йилида республикамизнинг ҳар бир корхонаси ва жамоасида амалга оширилаётган тадбирлар умумий муваффақиятлари кўлга киритишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Сурхонзоиқовқатсанояти» ҳиссадорлик жамияти жамоасида бу борада амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликдир.

«Сурхонзоиқовқатсанояти» ҳиссадорлик жамияти касба уюшмаси кўмитасининг раиси Эркин Сарибоев билан ана шу ишлар ҳақида суҳбат бўлди.

Эркин ака, суҳбатимизни аввало, корхонанинг иқтисодий имкониятларини баҳолаш билан бошлаш керак.

«Сурхонзоиқовқатсанояти» ҳиссадорлик жамияти фақат вилоятда эмас, айни вақтда республикамизда ҳам энг нуфузли корхоналардан бири ҳисобланади.

Ушбу йилда чикариш қилишда, бир кеча-кундузда 800 тонна чикариш қайта ишлаб, ундан 140-150 тонна еғ, 10 минг тонна совун ва қарийб 30 турдаги қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхонанинг иқтисодий имконияти охиригача баҳорида баҳолаш керак. Шунинг учун ҳам ишчи ва хизматчилар мунтазам муқофотланб бориш керак.

Маъмурият билан касба уюшма ўртасидаги жамоа шартномасининг бажарилиши ҳодимлар моддий шароитининг яхшиланганига қандай таъсир кўрсатади?

Ҳодимларга иш ҳақи шартномада белгиланган мuddатда бериб бориш керак. Иш ҳақи йил сайин ошириб борилади.

маҳсулотлари сотдик. Шунингдек 1997 йилда ишчи ва хизматчиларга 480 минг сумдан зиёд маъмурият томонидан, 20 минг сум касба уюшмаси кўмитаси томонидан моддий ёрдам уюштирилди.

Бозор иқтисодиёти ўтиш шароитида ҳодимларга қўйилган талаблар ҳам қанча тахминан лойиқ, албатта, аммо унинг маънавий жиҳатлари ҳам

МОДДИЙ ЁРДАМ

унинг маънавий жиҳати ҳам бор

Албатта салоқат билан меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар маънавий жиҳатдан баркамол бўлишлари керак.

Кўп қилган бери меҳнат қилаётганларнинг фарзандлари олий ўқув юртига ўқишга юборилади.

Ҳозир ундан зиёд ишчи фарзанди республикамизнинг турли олий ва ўрта махсусу ўқув юртига таълим олмақдлар.

Хар йили ишчи-хизматчилар тиббий курикланган ҳисобидан шифохоналарга, санаторийларга даволашга етказилади ва бепул даволанадилар.

Ушбу йил «Ваҳшивор» оромгоҳида 300 ишчи ва хизматчи хорлик чиқарили. Корхонамиз лорн-лармон учун қарийб 100 минг сумлик маблаг сарфлади.

Корхонамиз ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади. Дивидендлар тўлови қандай аҳволда?

Корхона буйича 9531 дона акция чиқариш бўлиб (ҳар қайси акция 1000 сум), шундан 26% ишчиларга тарқатилган.

1997 йил битта акцияга 6400 сумдан дивиденд тўланади. Айрим акциядор ишчиларнинг 100-130 минг сумдан дивиденд олдилар.

Бу ҳам ҳодимларимиз учун катта маддд.

Бу йил оила йили, шу муносабат билан амалга

«ФЕРУЗА» ОРОМГОҲИДА

«Феруза» оромгоҳида пойтахт вилояти туманларидан келган 300 дан ортиқ бола дам олаётди.

Оромгоҳ Бўстонликнинг Соёлиқ қишлоғи яқинида, ғоят хуш ҳаво жойда жойлашган.

Суратларда: Бош етакчи Дилбархон Ашуровани ҳамма болалар даврасидан топасиз.

Ёш шашкачилар бешлашуви.

В.Портнов олган суратлар.



«Феруза» оромгоҳида пойтахт вилояти туманларидан келган 300 дан ортиқ бола дам олаётди.

Оромгоҳ Бўстонликнинг Соёлиқ қишлоғи яқинида, ғоят хуш ҳаво жойда жойлашган.

Суратларда: Бош етакчи Дилбархон Ашуровани ҳамма болалар даврасидан топасиз.

Ёш шашкачилар бешлашуви.

В.Портнов олган суратлар.

ЎЗГИ МАВСУМ СОЗ ЎТМОҚДА

Келажакимиз эгалари бўлган мактаб ўқувчиларини ўзги соғломлаштириш — касба уюшмалари олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Ушбу масалага бағишланди. Унда шу мақсад йўлида вилоят ҳокимлиги ва касба уюшмалари вилоят кенгаши ҳамкорлигида тузилган комиссия аъзолари, оромгоҳлар ходимлари, улар фаолиятига масъул ҳисобланган тегишли таш-

Молия бозори БУХГАЛТЕРЛИК ҲИСОБИ ВА САМАРАДОРЛИК

Бухгалтерлик ҳисобини юргизиш ва корхоналарнинг ҳужжалик фаолиятини таҳлил қилиш бугунги бозор иқтисодиёти шароитида муҳим илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Узбекистон иқтисодиётини тизимли равишда қайта ташкил этиш жараёнини тақомиллаштиришга қаратилган илмий изланишларнинг юзга келишида Тошкент давлат иқтисодиёт университети олимларининг хизматлари катта бўлмоқда.

Бу соҳада олий ўқув юрти ташки иқтисодий фаолиятнинг бухгалтерлик ҳисоби кафедраси олимлари айниқса самарали изланишлар қилмоқдалар.

Бошқарув ҳисобининг математик усуллари ўрганилиши ҳамда корхоналар маблағдорлиги унумли фойдаланишининг аниқ йўл-йўриқлари кўрсатиб берилади.

Узбекистонда пахта тозалаш соҳасида бошқарув ҳисобини йўлга қўйиш билан боғлиқ тадқиқотлар ҳам амалиётга татбиқ қилинмоқда.

«Кабедраннинг иқтидорли ёш олими Б. Махмудов амалга оширган изланиш айнан шу мавзуга бағишланди.

Тадқиқотчи олим «Узбекистонда таъминот» уюшмасига қарашли корхоналар мисолида қатор муаммоларни кўтариб чиқди. Ушбу корхоналарда ички бошқарув ҳисобини юргизишнинг пахта хос илгор моделлари ҳам юзга келди.

Бу моделлар пахта тозалаш корхоналаридаги захиралардан унумли фойдаланишда қўл келади.

Ушбу тадқиқот муҳим ишланма сифатида пахта тозалаш корхоналарида қўллаш учун тавсия этилди.

Бу тадқиқотда исрофгарчиликнинг олдини олишнинг муҳим жиҳатлари молиявий таҳлиллар ёрдамида таҳлил қилинди.

Бугунги кунда бу изланиш натижаси Фарғонадаги ноёвонлик корхоналарида фойдаланилмоқда.

«Фарғонанонмаҳсулот» уюшмаси корхоналари ҳам бу илгор усулни ўзларида татбиқ қилдилар.

Яқинда Қувасой нон ва нон маҳсулотлари комбинати иқтисодчи олим тавсияларидан баҳраманд бўлди.

Ақбар АЛИЕВ.

гланди. Шунингдек, вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят санитария-эпидемиология станцияси каби ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ҳам сўзга чиқдилар.

Анжуманда якуний режалар белгиланди.

О.ЖУМНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири

Мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришда, бугунги кунимиз кечатидан, эртанимиз эса фургондан кўра янада порлок, фаровон бўлиши маънан ва жисмонан соғлом, етук мутахассисларнинг хизматига боғлиқдир.

БУНДА ЁШЛАР ТОПАДИ КАМОЛ ТАЛАБАЛАР — ҲИМОЯДА

Университет талабалари касба уюшмаси талабаларнинг саломатликларини тиклашда ибратли ишлар қилинапти.

Университетда соғломлаштириш профилактория ишлари намунали йўлга қўйилган.

Хар ойда 100 нафардан ортиқ талабалар замонвий жиҳозланган профилакторияда соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

Талабалар касба уюшмаси раиси Жамолдин Жураев тадбиркор, изланувчан ва ташкилотчи раҳбардир.

У турли маданий тадбирлар уюштириб, талаба-ёшларнинг мазмунли дам олишларига бошқош бўлмоқда.

«Темур ва темиррийлар тарихи» давлат музейига саёхат, «Муқимий» театри санъаткорлари билан ўтказилган «Маънавият-қалбим куёши», «Ёшлар тарбиясида тетрининг аҳамияти» мавзуларидаги кечалар, «Оила йили» тадбирлари, фаол талабаларнинг «Тошкент телеминора»сига саёхати ва ҳоказо-

лар фикримизнинг далилидир.

Талабаларнинг моддий шароитлари ўрганилиб, ёрдамга муҳтож талабаларга доимий равишда ёрдам бериб борилапти.

Наврўзи айёмда бир гуруҳ талабаларга 15 минг сум миқдорда ёрдам пули берилди.

Аълочи ва фаол талабалар учун касба уюшмаларининг махсус стипендиялари таъсис этилган.

Талабалар касба уюшмаси талабаларнинг

маънавий жиҳатдан камол топишлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, яшаш, ўқиш ва дам олиш шарт-шароитларини яхшилаш борасида ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ, талаба.

ЁТОҚХОНА - ЎЗ УЙИМИЗДЕК

Талабаларнинг унутилмас онлари ётоқхоналарда кечади.

Университетда талабалар, аспирантлар, ўқитувчи ва ходимларга мулкдорлик қилинган ўрта ётоқхона мавжуд.

Хоризм кунда ҳар бир факультет ўз ётоқхонасига эга. Ётоқхоналарда яшаш шароитларини яхшилашга жиддий эътибор қаратилган.

Доцент Хусан Ғойиповнинг ташкилотчилиги боис зоомухандислик ва ипакчилик факультети ётоқхонасида бораётган ишлар диққатга сазовордир.

«Узбекистон Ватаним меним», «Амир Темур буюк саркарда ва давлат арбоби» номи рағли деворини лавҳалар киши диққатини тортади, кутубхона, дам олиш хоналари, ошхона талабалар ихтиёрида.

«Маънавият ва маърифат» хонаси доимо гавжум.

Хона эстетик дид билан безатилган. Маънавий дурдоналари бўлган адабиётлар, газет ва журналлар билан бойитилган.

Бу борада иқтисод факультетининг «Маънавият ва маърифат» хонасини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Анвар ҒОФФОРОВ.



Университет Қибрай туманида жойлашган. Шу боис туман ҳокимияти бу даргоҳ билан жуда яқин муносабатда.

Суратда: университет ректори, профессор Х. Бўриев ва Қибрай туман ҳокими М. Кўчичевлар

Республикамиз раҳбарияти ёшларни эл-юрт учун фидойий кишилар бўлиб вояга етишишлари, жаҳон талаблари даражасида билим эгаллашлари учун катта ғамхўрликлар кўрсатапти.

Олий ўқув юртилари талабалари эртанимиз мутахассисларидир. Шу боис талаба-ёшларнинг билимларини оширишлари, назарий ва амалиётни узвий боғлаб олиб боришлари учун имкониятлар етарли.

Ҳўш, Тошкент аграр университетиде бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти. Ушбу саволга жавоб излаш мақсадида университет ҳаёти билан танишдик.

Тошкент Давлат аграр университети нафақат мамлакатимиздаги, балки Марказий Осиёдаги кишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлаш буйича йирик олий илмий-ўқув маркази ҳисобланади.

Ҳозирги кунда кундузги ва сиртки бўлимларда 4450 нафар талаба таълим олмақда.

Университетда 38 та кафедр мавжуд бўлиб, уларга 380 нафар профессор-ўқитувчи талабаларга замонвий кишлоқ хўжалик фанидан сабоқ беришапти.

«Деиди университет ректори, профессор Хасан Бўриев.—Педагогларнинг 42 нафари фан доктори ва профессор, 201 нафари фан номзоди ва доцентлардир.

Университетдаги 6 та факультетда 10 та иختисослик буйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда, агрохимик ва тупроқшунослик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, агрономлик, кишлоқ хўжалик экинлари селекцияси (янги нав) ва генетикаси, мева сабзавотчилик ва узумчилик, ўрмончилик, зоомухандислик, ипакчилик, агроиқтисодиёт, иқтисодиёт (кишлоқ хўжалигида бухгалтерлик ҳисоби).

Бундан ташқари, тайёрлов бўлими фаолият кўрсатмоқда. 1992 йили таш-

кил этилган «Қибрай» ўзбек-турк ўғил болалар лицейида 150 нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олмақда.

Гимназияда ҳам иқтидорли ёшларни қабул қилиш давом этмоқда.

Янги ўқув йилида бошлаб университет ҳаётида коллежд ўқитувчилари тайёрлаш бўлими ўз фаолиятини бошлади.

Университет ҳузуридаги малака ошириш факультетиде ҳар йили 1000-1200 нафар раҳбар ходим ва мутахассислар, кишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ўрта махсус ва олий ўқув юртиларининг профессор ўқитувчилари малака оширадilar.

Кишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот тажриба станцияси, тўрт тармоқли тажриба ўтказиш жойлари, кундузи ва сиртки аспирантура, ихтисос юзасидан докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш буйича илмий кенгаш ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Олимларнинг асосий диққат эътибори ернинг ҳосилдорлигини ошириш, сув хўжалиги самарадорлигини таъминлаш, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлаштириш, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини зараркунданлар ва ёввойи ўтлардан ҳимоя қилиш, ўрмон хўжалигини ривожлантириш, чорвачилик ва ипакчиликни юксалтириш, даладар ҳосилдорлигини ошириш, узумчилик, сабзавотчилик селекция ва уруғчиликнинг илмий асосланган тадбирларини ишлаб чиқаришга қаратилган.

Юқсак мақсадлар йўлида меҳнат қилаётган университет олимлари ва талабалар учун махсус лаборатория ва тажриба хўжаликларини мавжуд.

Иссиқхона, сут комплекси, биологатория, куртхона, ўқув-машина парк, катта тажриба хўжаликларини, янги кишлоқ хўжалик техникасини намойиш этиданган кўргазма, замонвий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган телемарказ, ЭХМ хонаси, 600 дан зиёд техникавий ўқув воситалари ва 1 миллионга яқин китоб жамғармасидан иборат кутубхона талабалар ихтиёрида.

Ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун университетда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Ижтимоий қабилар факультети, «Соғлом авлод учун», «Камолот» жамғармаларининг бўлимлари, талабалар илмий жамияти, бадий хаваскорлик ва спорт тўғрисидаги доимо гавжум.

Жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилаётганини боис қисқа муддатда олий ўқув юртилари ичиде биринчи бўлиб ерда теннис корти қуриб фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, талабалар учун стадион, 2 та зал, ёниқ чўмилиш ҳавзасидан иборат спорт комплекси ишлаб турибди.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Университетда таълим тизимини ривожлантириш борасида ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда хорижий давлатларнинг кишлоқ хўжалиги ўқув юртилари билан дўстлик муносабатлари ўрнатилган.

Улар ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ҳамкорликда семинар кенгашлар ўтказиб туришади.

Шунингдек, ўқитувчилар тажриба алмашиш мақсадида ривожланган мамлакатларнинг кишлоқ хўжалиги ўқув даргоҳларида бўлиб қайтишади.

Яқинда университет ректори, профессор Бўриев АКШнинг Нью Жерси Рутгерс университетиде тақлифига биноан ана шу мамлакатда бўлиб, сафар давомида у ерда ўқиш ва таълим тизими билан танишиб келди.

Икки университет ўртасида илмий, амалий ҳамкорликни яхшилаш, ўқитувчилар ва талабалар тажрибасини оширишни йўлга қўйиш масалалари мукоама қилинди.

Туркияда бўлиб ўтган «Кишлоқ хўжалигини барқарорлаштириш ва экология» муаммоларига бағишланган халқаро семинарда директор И.Хўжамуродов иштирок этди.

Умуман олганда, аграр университетнинг халқаро алоқалари яхши ривожланмоқда.

ТошДАУ жаҳоннинг 47 мамлакатига 1500 га яқин малакали мутахассис тайёрлаб беради.

1992 йилдан эътиборан университетда агробиизнес ва менежмент кафедраси фаолият кўрсатиб келмоқда.



Университет талабалари касба уюшмаси талабаларнинг саломатликларини тиклашда ибратли ишлар қилинапти.

Университетда соғломлаштириш профилактория ишлари намунали йўлга қўйилган.

Хар ойда 100 нафардан ортиқ талабалар замонвий жиҳозланган профилакторияда соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

Талабалар касба уюшмаси раиси Жамолдин Жураев тадбиркор, изланувчан ва ташкилотчи раҳбардир.

У турли маданий тадбирлар уюштириб, талаба-ёшларнинг мазмунли дам олишларига бошқош бўлмоқда.

«Темур ва темиррийлар тарихи» давлат музейига саёхат, «Муқимий» театри санъаткорлари билан ўтказилган «Маънавият-қалбим куёши», «Ёшлар тарбиясида тетрининг аҳамияти» мавзуларидаги кечалар, «Оила йили» тадбирлари, фаол талабаларнинг «Тошкент телеминора»сига саёхати ва ҳоказо-

лар фикримизнинг далилидир.

Талабаларнинг моддий шароитлари ўрганилиб, ёрдамга муҳтож талабаларга доимий равишда ёрдам бериб борилапти.

Наврўзи айёмда бир гуруҳ талабаларга 15 минг сум миқдорда ёрдам пули берилди.

Аълочи ва фаол талабалар учун касба уюшмаларининг махсус стипендиялари таъсис этилган.

Талабалар касба уюшмаси талабаларнинг

маънавий жиҳатдан камол топишлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, яшаш, ўқиш ва дам олиш шарт-шароитларини яхшилаш борасида ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ, талаба.

Талабаларнинг унутилмас онлари ётоқхоналарда кечади.

Университетда талабалар, аспирантлар, ўқитувчи ва ходимларга мулкдорлик қилинган ўрта ётоқхона мавжуд.

Хоризм кунда ҳар бир факультет ўз ётоқхонасига эга. Ётоқхоналарда яшаш шароитларини яхшилашга жиддий эътибор қаратилган.

Доцент Хусан Ғойиповнинг ташкилотчилиги боис зоомухандислик ва ипакчилик факультети ётоқхонасида бораётган ишлар диққатга сазовордир.

«Узбекистон Ватаним меним», «Амир Темур буюк саркарда ва давлат арбоби» номи рағли деворини лавҳалар киши диққатини тортади, кутубхона, дам олиш хоналари, ошхона талабалар ихтиёрида.

«Маънавият ва маърифат» хонаси доимо гавжум.

Хона эстетик дид билан безатилган. Маънавий дурдоналари бўлган адабиётлар, газет ва журналлар билан бойитилган.

Бу борада иқтисод факультетининг «Маънавият ва маърифат» хонасини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Анвар ҒОФФОРОВ.

Талабаларнинг унутилмас онлари ётоқхоналарда кечади.

Университетда талабалар, аспирантлар, ўқитувчи ва ходимларга мулкдорлик қилинган ўрта ётоқхона мавжуд.

Хоризм кунда ҳар бир факультет ўз ётоқхонасига эга. Ётоқхоналарда яшаш шароитларини яхшилашга жиддий эътибор қаратилган.

Доцент Хусан Ғойиповнинг ташкилотчилиги боис зоомухандислик ва ипакчилик факультети ётоқхонасида бораётган ишлар диққатга сазовордир.

«Узбекистон Ватаним меним», «Амир Темур буюк саркарда ва давлат арбоби» номи рағли деворини лавҳалар киши диққатини тортади, кутубхона, дам олиш хоналари, ошхона талабалар ихтиёрида.

«Маънавият ва маърифат» хонаси доимо гавжум.

Хона эстетик дид билан безатилган. Маънавий дурдоналари бўлган адабиётлар, газет ва журналлар билан бойитилган.

Бу борада иқтисод факультетининг «Маънавият ва маърифат» хонасини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.

Анвар ҒОФФОРОВ.

Талабаларнинг унутилмас онлари ётоқхоналарда кечади.

